

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2021 йил апрель ойининг 16 куни жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа туман суди биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шу суднинг раиси И.Исмаилов, судья ёрдамчиси А.Жонибековнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Д.Мадримов, фуқаровий даъвогар О.Давлатов, Б.Дуримов, А.Бобожонов, Ш.Исмоилов, Д.Давлатов, Т.Рўзимов, И.Қосимов, Ў.Саидов, Х.Қиличов, Н.Жумабаева, Х.Сафаров, М.Давлетов, М.Султанова, А.Аллаберганов, судланувчи А.Сабиров, О.Давлетовлар ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Болтаев иштирокида, Сабиров Алижон Садуллаевич ва Давлетов Отабек Сотиболдиевичларга нисбатан бўлган 1-2213-2101/14-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Сабиров Алижон Садуллаевич (Sabirov Alijon), 1971 йил 10 июнь куни Ҳазорасп туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, судланмаган, ишсиз, Тупроққалъа тумани, “Муҳаббат” маҳалласи, “Туямўйин йўли” кўчаси, 5-уйда яшайди, 2021 йил 11 февраль кунидан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 21 март куни олган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди;

Давлетов Отабек Сотиболдиевич (Davletov Otabek), 1976 йил 1 февраль куни Ҳазорасп туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, судланмаган, Тупроққалъа тумани “Охунбобоев” маҳалласи қишлоқ врачлик пунктида қоравул, Тупроққалъа тумани, “Охунбобоев” маҳалласи, “Серқуёш” кўчаси, 1-уйда яшайди, 2021 йил 16 февраль кунидан “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 5 март куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланганлар.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Сабилов алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2019 йил декабрь ойида О.Давлетовни ўғли А.Сотиболдиевни танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, пора беришга далолат қилиб, Тупроққалъа тумани, “Мухаббат” маҳалласи, Ҳазорасп кўчасидаги йўловчи ташувчи автобуслар бекати ёнида, О.Давлетовдан сўмга нисбатан қиймати 4.753.780 сўм бўлган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, О.Давлетовнинг сўмга нисбатан қиймати 4.753.780 сўм бўлган 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, О.Давлетовни пора бериш жинояти содир қилишига далолатчилик қилган.

Бундан ташқари, судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2019 йил 30 декабрь куни Ш.Исмоиловни ишончига кириб, ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “Охунбобоев” маҳалласи худудида сўмга нисбатан қиймати 5.245.652 сўм бўлган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, Ш.Исмоиловнинг сўмга нисбатан қиймати 5.245.652 сўм бўлган 550 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2019 йил 30 декабрь куни И.Қосимовни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “Охунбобоев” маҳалласи худудида сўмга нисбатан қиймати 5.245.652 сўм бўлган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, И.Қосимовнинг сўмга нисбатан қиймати 5.245.652 сўм бўлган 550 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2019 йил 26 декабрь куни Ў.Саидовни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “Пастом” маҳалласи худудида сўмга нисбатан қиймати 5.245.652 сўм бўлган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, Ў.Саидовнинг сўмга нисбатан қиймати 5.245.652 сўм бўлган 550 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2019 йил декабрь ойида М.Давлетовни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto



Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “Обод” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 4.768.775 сўм бўлган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, М.Давлетовнинг сўмга нисбатан қиймати 4.768.775 сўм бўлган 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2020 йил февраль ойида Ҳ.Сафаровни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “Саяпир” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 5.240.669 сўм бўлган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, Ҳ.Сафаровнинг сўмга нисбатан қиймати 5.240.669 сўм бўлган 550 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2020 йил 25 март куни Б.Дуримовни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “Муҳаббат” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 4.760.170 сўм бўлган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, Б.Дуримовнинг сўмга нисбатан қиймати 4.760.170 сўм бўлган 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2019 йил декабрь ойида А.Бобожоновни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “Муҳаббат” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 4.768.775 сўм бўлган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, А.Бобожоновнинг сўмга нисбатан қиймати 4.768.775 сўм бўлган 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2019 йил декабрь ойида Д.Давлатовни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “Муҳаббат” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 4.768.775 сўм бўлган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, Д.Давлатовнинг сўмга нисбатан қиймати 4.768.775 сўм бўлган 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2019 йил декабрь ойида Т.Мадримовни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz



Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “А.Ибрагимов” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 4.768.775 сўм бўлган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини олиб, берган ваъдасини бажармай, Т.Мадримовнинг сўмга нисбатан қиймати 4.768.775 сўм бўлган 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2020 йил январь ойида Давлатов Одилбекни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “А.Ибрагимов” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 5.250.877 сўм бўлган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, О.Давлатовнинг сўмга нисбатан қиймати 5.250.877 сўм бўлган 550 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2020 йил 30 январь куни Т.Рўзимовни ишончига кириб, ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “А.Ибрагимов” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 5.250.877 сўм бўлган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, Т.Рўзимовнинг сўмга нисбатан қиймати 5.250.877 сўм бўлган 550 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов ва О.Давлетовлар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2020 йил февраль ойида Х.Қиличовни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “А.Ибрагимов” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 5.240.669 сўм бўлган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, Х.Қиличовнинг сўмга нисбатан қиймати 5.240.669 сўм бўлган 550 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов такроран 2020 йил февраль ойида А.Аллабергановни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “А.Ибрагимов” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 2.858.547 сўм бўлган 300 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, А.Аллабергановнинг сўмга нисбатан қиймати 2.585.547 сўм бўлган 300 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов такроран 2020 йил апрель ойида М.Рахмановни ўзини танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, туманнинг “А.Ибрагимов” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан



қиймати 2.908.008 сўм бўлган 300 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиб, М.Рахмановнинг сўмга нисбатан қиймати 2.908.008 сўм бўлган 300 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, А.Сабилов такроран 2020 йил 23 октябрь куни Ҳ.Сафаровнинг 500 АҚШ доллари берса, эвазига уни танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, пора беришга далолат қилиб, Тупроққалъа тумани, “А.Ибрагимов” маҳалласи ҳудудида сўмга нисбатан қиймати 5.185.880 сўм бўлган кимёвий ишлов берилган 500 АҚШ долларини қабул қилиб олган пайти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг хатти-ҳаракатлари туфайли ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмасдан, ўзганинг сўмга нисбатан қиймати 5.185.880 сўмлик 500 АҚШ доллар пулни фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилиб, Ҳ.Сафаровни пора бериш жинояти содир қилишига далолатчилик қилган.

Судланувчи А.Сабилов суд муҳокамасида, айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2013-2017 йиллар давомида “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилоят филиалида ҳайдовчи лавозимда ишлаб, соғлоғи яхши бўлмаганлиги сабабли у ердан ишдан бўшаганлигини, шундан сўнг ҳеч қаерда ишламасдан уйда бўлганлиги сабабли осон даромад топиш мақсадида иш излаб юрган фуқароларни сўраб суриштириб, уларни “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилоят филиалига ишга киритиши бўйича гап сўзлар тарқатганлигини, 2019 йил декабрь ойида унинг қўл телефонида ўзини Тупроққалъа тумани “Охунбобоев” маҳалласида яшовчи Давлетов Отабек кўнғироқ қилиб, унда зарур гапи борлигини ва ўзаро учрашиб суҳбатлашмоқчи эканлигини билдирганлигини, шундан сўнг О.Давлетов билан учрашган вақтида унга ўғли А.Сотиболдиевни “UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни айтганлигини, кейин унга “UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалида Жамшид деган таниши борлигини, шу орқали ишга киритишини айтиб, пора беришга далолат қилиб, 500 АҚШ долларини олганлигини, кейин О.Давлетов “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилоят филиалига ишга кирмоқчи бўлган бошқа фуқаролар борлигини, ушбу фуқароларни қанчадан мазкур корхонага ишга киритишини сўраганида, унга 250 АҚШ доллордан ишга киритиб юрганлигини айтган вақтида О.Давлетов уни олдида 300 АҚШ доллардан ишга киритиб юрганлигини айтиб фуқароларни олиб келишини, шундан ҳар бир олиб келган фуқаро учун 50 АҚШ доллари миқдорида пул қайтиб беришини айтганлигини, шундан сўнг унинг таклифига рози бўлганлигини кейин О.Давлетов билан тил бириктириб, 2019 йил 30 декабрь куни Ш.Исмоиловдан Тупроққалъа туманидаги “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, О.Давлетов орқали 300 АҚШ доллари олганлигини, 2019 йил 30 декабрь куни И.Қосимовдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, О.Давлетов орқали 300 АҚШ доллари



олганлигини, 200 АҚШ долларини И.Қосимовни отаси Б.Рўзимовга қайтариб берганлигини, 2019 йил 26 декабрь куни Ў.Саидовдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, О.Давлетов орқали 300 АҚШ доллари олганлигини, 2019 йил декабрь ойида М.Давлетовдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилмаганлигини, О.Давлетовдан унинг учун 500 АҚШ долларини ҳам олмаганлигини, 2020 йил февраль ойида Ҳ.Сафаровдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилмаганлигини, О.Давлетовдан унинг учун 550 АҚШ доллари олмаганлигини, 2020 йил 25 март куни Б.Дуримовдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, О.Давлетовдан 300 АҚШ доллари олганини, 2019 йил декабрь ойида А.Бобожоновдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, 500 АҚШ доллари олганлигини, шундан 200 АҚШ долларини О.Давлетовга берганлигини, 2019 йил декабрь ойида Д.Давлатовдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, 500 АҚШ доллари олганлигини, шундан 250 АҚШ долларини О.Давлетовга берганлигини, 2019 йил декабрь ойида Т.Мадримовдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, 500 АҚШ доллари олганлигини, шундан 250 АҚШ долларини О.Давлетовга берганлигини, 2020 йил январь ойида Давлатов Одилбекдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйиш учун пул олмаганлигини, 2020 йил 30 январь куни Т.Рўзимовдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, О.Давлетов орқали 300 АҚШ доллари олганлигини, 2020 йил февраль ойида Х.Қиличовдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, 550 АҚШ долларини олган, шундан 250 АҚШ долларини О.Давлетов олганлигини, юқорида кўрсатилган фуқароларни барчасини О.Давлетов топиб келганлигини, улар билан учрашганлигини, ишга киритишга ваъда берганлигини, пулларни О.Давлетов орқали олганлигини, фақат ўзи А.Аллабергановни “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, 300 АҚШ доллари, 2020 йил апрель ойида М.Рахмановдан “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, 300 АҚШ доллари олганлигини, Бундан ташқари, 2020 йил 23 октябрь куни Ҳ.Сафаровга 500 АҚШ доллари берса, эвазига уни танишлари орқали Тупроққалъа туманидаги “UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, пора беришга далолат қилиб, Тупроққалъа тумани, “А.Ибрагимов” маҳалласи ҳудудида 500 АҚШ долларини қабул қилиб олган пайти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланганлигини, “UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиали кадарлар бўлимида ишловчи Жамшид деган шахсни аслида танимаслигини, уни исмини айтса фуқаролар ишга олиб киришига ишониб пул беришини, фақат О.Давлетовни ўғли ва



Ҳ.Сафаровдан пул олган пайти Жамшид деган таниши орқали олиб киришини айтганлигини, жами етказилган зарардан 10.000.000 сўмини ўзи қоплаганлигини, қолган суммани ҳам қоплаб беришини билдириб, кечиришни сўради.

Судланувчи О.Давлетов суд муҳокамасида, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2019 йил декабрь ойининг бошларида А.Сабилов билан туман марказидаги кўчада танишиб қолганлигини, шу вақтда А.Сабилов ўзини “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалида ҳайдовчи бўлиб ишлашини, агарда кимдир “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киришни истаса, ўзи ишга киритиб қўйишини, хизмат ҳаққи 500-550 АҚШ доллари бўлишини айтиб, ишга кирмоқчи бўлган фуқаролар бўлса олиб келишини айтганлигини, шундан сўнг 2019 йил декабрь ойининг ўрталарида А.Сабилов билан қайта учрашиб, унга ўзининг ўғли А.Сотиболдиевни “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритишни сўраганлигини, шундан сўнг А.Сабилов ундан 500 АҚШ долларидан беришни айтиб, А.Сабилов айтган пулларни 2019 йил декабрь ойининг ўрталарида Питнак шаҳар “Муҳаббат” маҳалласининг “Ҳазорасп” кўчасидаги йўловчи ташувчи автобуслар турар жойи ёнида ўзининг “Нексия” русумли давлат рақами 90 F 724 НА бўлган автомашинаси салонидан берганлигини, шу пайтда уларнинг ёнида иккаласидан бошқа ҳеч ким йўқлигини, А.Сабилов унга “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиали кадрлар бўлимида “Жамшид” исмли таниши борлигини, ушбу таниши орқали киритиб қўйишни айтганлиги сабабли унга ишониб пул берганлигини, иккинчи ҳолат яъни 2019 йил декабрь ойида маҳалладоши Т.Мадримов унинг олдида келиб, “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб юрган А.Сабилов билан уни ҳам таништириб қўйишини ўзи ҳам ишга кирмоқчилигини айтганлигини, кейин А.Сабилов билан ўзаро таништирганлигини, шундан сўнг маҳалладоши Т.Мадримов эртаси куни у билан бирга “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалида ишловчи А.Сабилов билан қайта кўришмоқчилигини ва унга 500 АҚШ доллари билан шахсига оид ҳужжатларни нусхаси бермоқчи эканлигини айтганлиги сабабли у билан бирга А.Сабиловни ёнига борганлигини, шундан сўнг А.Сабиловга Т.Мадримов 500 АҚШ доллари ва шахсига оид ҳужжатларни тақдим қилганлигини, учунчи ҳолат яъни 2019 йил декабрь ойида маҳалладоши А.Бобожанов ва қариндоши Д.Давлатовлар уни йўлда учратиб қолишиб, улар ҳам “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киришмоқчи эканликларини шу сабабли А.Сабилов билан таништириб қўйишликни сўрашганлигини, шундан сўнг уларни А.Сабилов билан учраштирганлигини, А.Сабилов уларнинг ҳар биридани шахсига оид ҳужжатларини ва 500 АҚШ доллардан жами 1.000 АҚШ доллари олганлигини, тўртинчи ҳолат яъни 2019 йил декабрь ойида туманнинг “Пастом” маҳалласида яшовчи Ў.Саидов унинг қўл телефонида кўнғироқ қилиб, ўзини маҳалладоши Т.Мадримовнинг шогирди деб таништириб, у ҳам “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга кирмоқчи



эканлигини, шу сабабли А.Сабилов билан ўзаро таништириб қўйишликни ва ишга киришини гаплашиб беринг деб айтганлигини, шундан сўнг А.Сабиловнинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, бир нафар фуқаро “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга кирмоқчилигини айтиб қўнғироқ қилиб турганлигини айтган вақтида унга ҳозирда ишда эмаслигини шу сабабли ундан 550 АҚШ доллар миқдоридаги пулни ва шахсига оид ҳужжатларни нусхасини олиб келишини айтганлиги сабабли Ў.Саидовдан 550 АҚШ доллари миқдорида пул олиб, А.Сабиловга берганлигини, бешинчи ҳолат яъни 2019 йил декабрь ойида маҳалладоши Ш.Исмаиловнинг отаси Умид кўчада кўриб қолиб, ўзини олдига чақирганлигини, шундан сўнг унинг ёнига борган вақтида унга ўғли Ш.Исмаиловни ҳам А.Сабилов орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб беришликни сўраганлигини, А.Сабиловга қўнғироқ қилиб, яна бир нафар фуқаро ҳам мазкур корхонага ишга кирмоқчи эканлигини айтган вақтида А.Сабилов 550 АҚШ доллари ва шахсига оид ҳужжатларини олиб келишини айтганлигини, шундан сўнг маҳалладоши Ш.Исмаиловдан 550 АҚШ доллари ва унинг шахсига оид ҳужжатларни нусхасини улардан қабул қилиб олиб, А.Сабиловга олиб бориб берганлигини, олтинчи ҳолат яъни 2019 йил декабрь ойида маҳалладоши И.Қасимовнинг отаси Бахтиёр ўғлини ҳам А.Сабилов орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб беришликни сўраганлигини, А.Сабиловга қўнғироқ қилиб, яна бир нафар фуқаро ҳам мазкур корхонага ишга кирмоқчи эканлигини айтган вақтида А.Сабилов 550 АҚШ доллари ва шахсига оид ҳужжатларини олиб келишини айтганлигини, шундан сўнг маҳалладоши Ш.Исмаиловдан 550 АҚШ доллари ва унинг шахсига оид ҳужжатлари улардан қабул қилиб олиб, А.Сабиловга олиб бориб берганлигини, еттинчи ҳолат яъни 2020 йил январь ойида маҳалладоши О.Давлатов уни олдига келиб, А.Сабилов орқали уни ҳам “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишликни илтимос қилганлигини, шундан сўнг ундан шахсига оид ҳужжатларни нусхаси билан 500 АҚШ доллари файл папкага солиб, унинг бошқарувида бўлган автомашининг олд томонида қўйганлигини, шундан сўнг маҳалладоши О.Давлатовни туманнинг “А.Ибрагимов” маҳалласида жойлашган темир йўл кесишмасида тушириб, у қўйган файл папкани олиб, А.Сабиловни олиб келиш учун кетиб, уни олиб, темир йўл кесишмасида кутиб турган О.Давлатовнинг олдига қайтиб келганлигини, шундан сўнг таниши А.Сабилов О.Давлатовга тез кунларда ишга киритиб қўйишини айтиб жавоб берганлигини, саккизинчи ҳолат яъни 2020 йил январь ойида маҳалладоши Т.Рўзимовнинг отаси Мухаммад унга ўғли Т.Рўзимовни ҳам А.Сабилов орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб беришликни сўраганлигини, А.Сабилов билан таништириб қўйиши мумкинлигини лекин уни мазкур ишга аралаштирмаслигини айтиб, жавоб берганлигини, шундан сўнг А.Сабиловга қўнғироқ қилиб, яна бир нафар фуқаро ҳам мазкур корхонага ишга кирмоқчи эканлигини айтган вақтида А.Сабилов 550 АҚШ доллари



ва шахсига оид ҳужжатларини олиб келишини айтганлигини, Т.Рўзимовнинг шахсига оид ҳужжатларни нусхаси ва 550 АҚШ долларни олиб, А.Сабилов билан кўришиш учун борганлигини, шундан сўнг маҳалладоши Т.Рўзимовнинг қўлидаги шахсига оид ҳужжатлари солинган папкаси ва унинг ёнидаги 550 АҚШ долларни автомашинада қолдиришини айтиб, уни ҳам туманнинг “А.Ибрагимов” маҳалласидаги темир йўл кесишмасида тушириб, ўзининг таниши А.Сабиловни олиб, уларни кутиб турган Т.Рўзимовнинг ёнига қайтиб келганлигини, шундан сўнг таниши А.Сабилов маҳалладоши Т.Рўзимов билан ҳам суҳбатлашиб, уни ҳам тез кунларда ишга киритиб қўйишликни ваъда қилганлигини, тўққизинчи ҳолат яъни 2020 йил февраль ойида Х.Сафаров унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, ўзини таништириб, у ҳам “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга кирмоқчи эканлигини, шу сабабли А.Сабилов билан ўзаро таништириб қўйишликни ва уни ҳам ишга киришини гаплашиб беришини сўраганлигини, шундан сўнг таниши А.Сабиловнинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, айтган вақтида унга ҳозирда ишда эмаслигини шу сабабли ундан 550 АҚШ доллар миқдоридаги пулни ва шахсига оид ҳужжатларни нусхасини олиб келишини айтганлиги сабабли Х.Сафаровдан 550 АҚШ доллари миқдорида пул олганлигини ва ушбу пулни ўзига олдиндан таниш бўлган А.Сабиловга олиб бориб берганлигини, ўнинчи ҳолат яъни 2020 йил февраль ойида маҳалладоши Х.Қиличовнинг отаси Олимбой унга бир неча маротаба қўнғироқ қилиб ўзини олдига чақирганлигини, унинг ёнига борган вақтида унга ўғли Х.Қиличовни ҳам А.Сабилов орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб беришликни сўраганлигини, унга А.Сабилов билан таништириб қўйишини лекин уни мазкур ишга аралаштирмаслигини айтиб, жавоб берганлигини, шундан сўнг А.Сабиловга қўнғироқ қилиб, яна бир нафар фуқаро ҳам мазкур корхонага ишга кирмоқчи эканлигини айтган вақтида таниши А.Сабилов 550 АҚШ доллари ва шахсига оид ҳужжатларини олиб келишини айтганлигини, шундан сўнг Х.Қиличовнинг шахсига оид ҳужжатлари ва 550 АҚШ долларни олиб, А.Сабилов билан туманнинг газ тармоқлари корхонаси олдида ўзаро кўришиб, шундан сўнг А.Сабилов Х.Қиличов билан ҳам суҳбатлашиб, уни ҳам тез кунларда ишга киритиб қўйишликни ваъда қилганлигини, ўн биринчи ҳолат яъни 2020 йил март ойида Б.Дуримов ҳам унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, А.Сабилов орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишликни гаплашиб беришини айтганлигини, А.Сабилов билан Б.Дуримовни ўзаро таништирганлигини, улар унинг бошқарувида бўлган автомашинада ўтириб ўзаро суҳбатлашишганлигини, шу вақтда Б.Дуримов шахсига оид ҳужжатлари билан 500 АҚШ долларини А.Сабиловга берганлигини, таништирган фуқаролар А.Сабиловдан пул олмаганлигини, ўзи олган пулларни ҳам А.Сабиловга олиб бориб берганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Ш.Исмоилов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга



киритишни ваъда қилиб, ундан 550 АҚШ доллари миқдорида пулларини олганлигини, шу вақтда О.Давлетов мазкур корхонага ким орқали ишга киритишни айтмаганлигини ва ҳозирги кунга қадар берган ваъдасини бажармасдан, уни ишончига кириб, фирибгарлик асосида қўлга киритган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини ҳам қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни О.Давлетовдан ундириб беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар И.Қосимов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритишни ваъда қилиб, ундан 550 АҚШ доллари миқдорида пулларини олганлигини, шу вақтда О.Давлетов мазкур корхонага ким орқали ишга киритишни айтмаганлигини ва ҳозирги кунга қадар берган ваъдасини бажармасдан, уни ишончига кириб, фирибгарлик асосида қўлга киритган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини ҳам қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни О.Давлетовдан ундириб беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар Ў.Саидов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритишни ваъда қилиб, ундан 550 АҚШ доллари миқдорида пулларини олганлигини, шу вақтда О.Давлетов мазкур корхонага ким орқали ишга киритишни айтмаганлигини ва ҳозирги кунга қадар берган ваъдасини бажармасдан, уни ишончига кириб, фирибгарлик асосида қўлга киритган 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини ҳам қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни О.Давлетовдан ундириб беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар М.Давлетов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам акаси О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритишни ваъда қилиб, ундан 500 АҚШ доллари миқдорида пулларини олганлигини, шу вақтда О.Давлетов мазкур корхонага ким орқали ишга киритишни айтмаганлигини, 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини ҳам қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарардан воз кечишини билдирди.

Фуқаровий даъвогар Ҳ.Сафаров суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритишни ваъда қилиб, ундан 500 АҚШ доллари миқдорида пулларини олганлигини, шу вақтда О.Давлетов мазкур корхонага ким орқали ишга киритишни айтмаганлигини ва ҳозирги кунга қадар берган ваъдасини бажармай, уни ишончига кириб, фирибгарлик асосида қўлга киритган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини ҳам қайтариб бермасдан келаётганлигини, кейинчалик О.Давлетовдан ушбу пулларни сўраганида А.Сабиловга берганлигини, А.Сабилов қайтариб берса унга беришни айтганлигини, кейин ўзини алданганлигини билгач Департаментнинг Тупроққалъа туман бўлими ва Тупроққалъа туман ДХХ бўлимига учрашиб уларга юқорида кўрсатилган ҳолат бўйича ариза билан мурожаат қилганлигини, шунда О.Давлетовга ишга кириш учун 500 АҚШ доллари



берганлиги бўйича А.Сабилов билан учрашмаганлигини, А.Сабилов уни танимаслиги сабабли О.Давлетов орқали ўзини яна ишга кирмоқчи этиб кўрсатиб, олдиндан ишлов берилган 500 АҚШ долларини О.Давлетов билан биргаликда бориб А.Сабиловга берганлигини, кейин Департамент ва ДХХ ходимлари келиб, ўзларини таништириб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганлигини, А.Сабилов унга “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиали кадрлар бўлимида “Жамшид” исмли таниши борлигини, шу шахс орқали 1 ой муддатда киритишини, хизмат ҳақи эвазига 500 АҚШ доллари бериши кераклигини айтганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни О.Давлетовдан ундириб беришни сўради.

Фукаровий даъвогар Б.Дуримов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритишни ваъда қилиб, ундан 500 АҚШ доллари миқдорида пулларини олганлигини, шу вақтда О.Давлетов мазкур корхонага ким орқали ишга киритишини айтмаганлигини ва ҳозирги кунга қадар берган ваъдасини бажармай, уни ишончига кириб, фирибгарлик асосида қўлга киритган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини ҳам қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни О.Давлетовдан ундириб беришни сўради.

Фукаровий даъвогар А.Бобожонов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига А.Сабилов орқали ишга киритишни ваъда қилиб, уни А.Сабилов билан учраштирганлигини, шу вақтда унинг А.Сабиловга 500 АҚШ доллари миқдорида пул берганлигини, ушбу А.Сабилов уни ким орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритмоқчи эканлигини айтмаганлигини, ушбу А.Сабиловга берган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни О.Давлетовнинг сўзларига ишониб берганлигини, ҳозирги кунда улар берган ваъдасини бажармасдан, ундан олган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни О.Давлетовдан ундириб беришни сўради.

Фукаровий даъвогар Д.Давлатов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига А.Сабилов орқали ишга киритишни ваъда қилиб, уни А.Сабилов билан учраштирганлигини, шу вақтда унинг А.Сабиловга 500 АҚШ доллари миқдорида пул берганлигини, ушбу А.Сабилов уни ким орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритмоқчи эканлигини айтмаганлигини, ушбу А.Сабиловга берган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни О.Давлетовнинг сўзларига ишониб берганлигини, ҳозирги кунда улар берган ваъдасини бажармасдан, ундан олган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни А.Сабиловдан ундириб беришни сўради.

Фукаровий даъвогар Н.Жумабаева суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам Т.Мадримовни турмуш ўртоғи бўлишини, Т.Мадримов ҳозирда Россия



Федерациясида ишлаётганлигини, О.Давлетов турмуш ўртоғини тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига А.Сабилов орқали ишга киритишни ваъда қилиб, турмуш ўртоғини А.Сабилов билан учраштирганлигини, шу вақтда А.Сабиловга 500 АҚШ доллари миқдоридида пул берганлигини, ушбу А.Сабилов ким орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритмоқчи эканлигини айтмаганлигини, ушбу А.Сабиловга берган 500 АҚШ доллари миқдоридидаги пулни О.Давлетовнинг сўзларига ишониб берганлигини, ҳозирги кунда улар берган ваъдасини бажармасдан, турмуш ўртоғидан олган 500 АҚШ доллари миқдоридидаги пулни қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни А.Сабиловдан ундириб беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар Давлатов Одилбек суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига А.Сабилов орқали ишга киритишни ваъда қилиб, уни А.Сабилов билан учраштирганлигини, шу вақтда унинг А.Сабиловга 500 АҚШ доллари миқдоридида пул берганлигини, ушбу А.Сабилов уни ким орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритмоқчи эканлигини айтмаганлигини, ушбу А.Сабиловга берган 500 АҚШ доллари миқдоридидаги пулни О.Давлетовнинг сўзларига ишониб берганлигини, ҳозирги кунда улар берган ваъдасини бажармасдан, ундан олган 500 АҚШ доллари миқдоридидаги пулни қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни О.Давлетовдан ундириб беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар Т.Рўзимов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига А.Сабилов орқали ишга киритишни ваъда қилиб, уни А.Сабилов билан учраштирганлигини, шу вақтда унинг А.Сабиловга 500 АҚШ доллари миқдоридида пул берганлигини, ушбу А.Сабилов уни ким орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритмоқчи эканлигини айтмаганлигини, ушбу А.Сабиловга берган 500 АҚШ доллари миқдоридидаги пулни О.Давлетовнинг сўзларига ишониб берганлигини, ҳозирги кунда улар берган ваъдасини бажармасдан, ундан олган 500 АҚШ доллари миқдоридидаги пулни қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни А.Сабиловдан ундириб беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар Х.Қиличов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Давлетов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига А.Сабилов орқали ишга киритишни ваъда қилиб, уни А.Сабилов билан учраштирганлигини, шу вақтда унинг А.Сабиловга 500 АҚШ доллари миқдоридида пул берганлигини, ушбу А.Сабилов уни ким орқали “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритмоқчи эканлигини айтмаганлигини, ушбу А.Сабиловга берган 500 АҚШ доллари миқдоридидаги пулни О.Давлетовнинг сўзларига ишониб берганлигини, ҳозирги кунда улар берган ваъдасини бажармасдан, ундан олган 500 АҚШ



доллари миқдоридаги пулни қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни А.Сабиловдан ундириб беришни сўради.

Фукаровий даъвогар А.Аллаберганов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам А.Сабилов уни тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритишни ваъда қилиб, ундан 300 АҚШ доллари миқдорида пуллари олиганлигини, шу вақтда А.Сабилов мазкур корхонага ким орқали ишга киритишини айтмаганлигини ва ҳозирги кунга қадар берган ваъдасини бажармай, 300 АҚШ доллари миқдоридаги пуллари ҳам қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни А.Сабиловдан ундириб беришни сўради.

Фукаровий даъвогар М.Султанова суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам М.Раҳмановни турмуш ўртоғи бўлишини, ҳозирда Тошкент шаҳрида ишлаётганлигини, А.Сабилов турмуш ўртоғини тез кунда “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритишни ваъда қилиб, 300 АҚШ доллари миқдорида пуллари олиганлигини, шу вақтда А.Сабилов мазкур корхонага ким орқали ишга киритишини айтмаганлигини ва ҳозирги кунга қадар берган ваъдасини бажармай, 300 АҚШ доллари миқдоридаги пуллари ҳам қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, етказилган зарарни А.Сабиловдан ундириб беришни сўради.

Гувоҳ Ж.Жуманиязов суд муҳокамасида, 2013 йилдан буён “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалида турли вазифаларда ишлаб келиб, 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалида меъёрлаштириш ва меҳнат таҳлили бўлинмаси бошлиғи вазифасида ишлаб келаётганлиги, ўзининг хизмат вазифаларига, ишчи-ҳодимларнинг сменалар иш графикларини ишлаб чиқиш, лавозим йўриқномаларини бажарилишини назорат қилиш, штатлар жадвали бўйича иш тақсимланишини назорат қилиш ва бошқалар кириши, бироқ, ҳодимларни ишга қабул қилиш ёки ишдан озод қилиш ишларида қатнашиш хизмат вазифаларига кирмаслигини, 2020 йил октябрь ойи охирида ўз уйида ўтирган вақтида, соат 19:57 да ўзининг уяли телефонига бегона рақамдан кўнғироқ келганлигини, ўзига олдиндан нотаниш бўлган шахс “пуллар тайёр” деб айтгани, шунда ўзи уни танимасдан қайси пул ҳақида гапираётганини сўраганида, у “ишга кирувчиларнинг пулини тайёрладим” деб айтганлигини, шунда ўзи ундан ким эканлигини сўраганида, у ўзини “Алижонман” деб таништирганлигини, унга “менинг Алижон исмли танишим йўқ, менга тухмат қилма, ҳамма гапларинг телефонимда ёзилиб турибди, гапингга жавоб бера олмай қоласан” деб айтгани ва телефонни ўчириб қўйганлигини, А.Сабиловни олдиндан умуман танимаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд, судланувчилар А.Сабиловнинг айбига иқрорлик билдириб берган ҳамда судланувчи О.Давлетовнинг айбига қисман билдириб берган кўрсатув ва келтирган важларига, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига асосан баҳо бериб, О.Давлетовнинг мазкур важларини жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмайдиган, ўз аҳволини



енгиллаштириш ва муқаррар жавобгарликдан қутулиш мақсадида қилинган саъй-ҳаракат деб, унинг ушбу важларини фуқаровий даъвогарларнинг судда ўз хоҳиши билан берган кўрсатувлари ҳамда қўйидаги судда тўлиқ, ҳолисона ва ҳар томонлама синчковлик билан текширилган далиллар билан рад қилинган ҳолда юзлаштириш баённомалари, сўзлашув туширилган дискни кўздан кечириш ва эшитиб кўриш ҳақида баённома, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарор, ашёвий ва ёзма далилларга оид ҳужжатлар ҳамда бошқа иш материалларида тўпланган далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, О.Давлетов суд мажлиси давомида фуқаровий даъвогарлардан олинган пулларни барчасини А.Сабиоровга олиб бориб берганлигини, ўзига умуман пул олмаганлигини билдириб кўрсатув берган бўлсада, фуқаровий даъвогарлар Ш.Исмоилов, И.Қосимов, Ў.Саидов, М.Давлетов, Ҳ.Сафаров, Б.Дуримов, А.Бобожанов, О.Давлатовлар судланувчи О.Давлетовга “Uz Auto Motors” АЖ Хоразм филиалига ишга киритиб қўйиши учун пул беришганлигини, О.Давлетовнинг укаси М.Давлетов ҳам акаси судланувчи О.Давлетовга ишга кириш учун пул берганлигини, бироқ ушбу пулни О.Давлетов акаси бўлганлиги сабабли ундиришдан воз кечишини билдириб берган кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари ва уларнинг айбини тасдиқловчи юқорида қайд қилинган бошқа далиллар мажмуи билан ҳам тўлиқ инкор қилинади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Сабиоровнинг такроран пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига унга бевосита қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш жиноятини содир этишда далолат сифатида иштирокчилик қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Бироқ, А.Сабиоров 2020 йил 23 октябрь куни Ҳ.Сафаровни 500 АҚШ доллари эвазига Тупроққалъа туманидаги “UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, сўмга нисбатан қиймати 5.185.880 сўм бўлган 500 АҚШ долларини қабул қилиб олган пайти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг хатти-ҳаракатлари туфайли ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмасдан, ўзганинг сўмга нисбатан қиймати 5.185.880 сўмлик 500 АҚШ доллар пулни фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилганлигида ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-моддаси 2-қисмида, қасдан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган



ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Юқоридагиларга кўра, суд А.Сабиловнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандидан ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи А.Сабиловнинг қолган айб эпизодларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг фирибгарлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи О.Давлетовнинг ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг фирибгарлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчилар А.Сабилов ва О.Давлетовга нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” - деб, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра,



жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”- деб;

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак”- деб, раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”-деб, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”- деб, 37-бандида эса, “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”- деб, раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи А.Сабиоровга нисбатан жазо чораси ва турини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорларидаги раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, А.Сабиоровнинг оилавий шароитини, оилали бўлиб, уч нафар фарзанди



борлигини, моддий аҳволи ва имкониятини, етказилган зарарларнинг аксарият қисми бартараф этилганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, шунингдек, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, содир этилган жиноятдаги ролини, судланувчининг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олишни, қайд қилинганларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги, яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан унинг 2021 йил 11 февраль кунидан қамокда бўлган ҳар бир куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегириб ташлашни лозим топади.

Суд, судланувчи О.Давлетовга нисбатан жазо чораси ва турини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорларидаги раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, О.Давлетовнинг оилавий шароитини, оилали бўлиб, уч нафар фарзанди борлигини, моддий аҳволи ва имкониятини, етказилган зарарларнинг аксарият қисми бартараф этилганлигини, Тупроққалъа тумани “Охунбобоев” маҳалласидаги қишлоқ врачлик пунктида қоравул вазифасида хизмат қилиб келаётганини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, шунингдек, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, содир этилган жиноятдаги ролини, судланувчининг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олишни, қайд қилинганларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли ушбу жазони тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан унинг 2021 йил 10 февраль кунидан 2021 йил 11 февраль кунига қадар қамокда бўлган ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегириб ташлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорининг 10-бандида, Жиноят объекти бўлган мол-мулк қийматини аниқлашда унинг мулкдор томонидан орттирилиши (сотиб олиниши) ҳолатларига қараб, жиноят содир этилган пайтдаги шартномавий, улгуржи, чакана, биржа ёки бозор нархидан келиб чиқиш лозим. Мол-мулкнинг нархи аниқланмаган ҳолатда унинг қиймати эксперт хулосасига кўра, белгиланади. Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш



масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим”- деб белгиланган.

Шу боис суд, судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлар томонидан фуқаровий даъвогарларга АҚШ долларидан етказилган моддий зарар миқдорини АҚШ долларининг ҳукм чиқариладиган кундаги қийматидан келиб чиқиб ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2021 йил 16 апрель ҳолатига 1 (бир) АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 10.507 сўм 46 тийинни ташкил қилиши кўрсатилган.

Суд жиноят натижасида етказилган зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб:

- судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Ш.Исмоилов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар И.Қосимов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Ў.Саидов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Ҳ.Сафаров фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Б.Дуримов фойдасига 500 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.253.745 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар А.Бобожонов фойдасига 500 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.253.745 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Д.Давлатов фойдасига 500 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.253.745 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Н.Жумабаева фойдасига 500 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.253.745 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиров ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар О.Давлатов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм



чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Т.Рўзимов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Х.Қиличов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм маблағни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиловдан фуқаровий даъвогар А.Аллаберганов фойдасига 300 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 3.152.238 сўмни ундиришни;

- судланувчи А.Сабиловдан фуқаровий даъвогар М.Султанова фойдасига 300 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 3.152.238 сўмни ундиришни;

- жиноят натижасида етказилган зиённи қоплаш мақсадида судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлар томонидан Хоразм вилоят ИИБнинг АТИБ “Ипотека банк” Хоразм филиали депозит ҳисоб рақамига ўтказилган жами 51.899.101 сўм маблағларини фуқаровий даъвогар О.Давлатов, Б.Дуримов, А.Бобожонов, Ш.Исмоилов, Д.Давлатов, Т.Рўзимов, И.Қосимов, Ў.Саидов, Х.Қиличов, Н.Жумабаева, Ҳ.Сафаров, А.Аллаберганов ва М.Султановаларга етказилган зарарларни қоплашга қаратишни;

- Хоразм вилоят ИИБнинг АТИБ “Ипотека банк” Хоразм филиали депозит ҳисоб рақамига ўтказилган жами 51.899.101 сўм маблағларини фуқаровий даъвогарларга тақсимлаш билан боғлиқ барча ижро ҳаракатларини амалга оширишни ва қопланмасдан қолган зарарни юқорида кўрсатилган тартибда судланувчилардан ундириш вазифаси Тупроққалъа туман мажбурий ижро бюроси зиммасига юклатишни;

- фуқаровий даъвогар М.Давлетов ўзига етказилган зарарни ундиришдан воз кечганлигини инобатга олишни;

- судланувчи А.Сабиловдан давлат фойдасига О.Давлетовни ўғли А.Сотиболдиевни ишга кириш мақсадида пора тариқасида олган 500 АҚШ доллари сўмга нисбатан қиймати 4.753.780 сўмни ундиришни;

- жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, А.Сабилов, О.Давлетов ва Ҳ.Сафаровлар ўртасида бўлиб ўтган сўзлашувлар ва тезкор тадбир жараёнлари ёзиб олинган 5 дона “DVD+R” дисклари жиноят ишига қўшиб сақланаётганлиги ва тадбир давомида фойдаланилган 100 АҚШ доллари Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Хоразм вилоят бошқармасига тегишли бўлганлиги сабабли тилхат орқали қайтариб берилганлигини инобатга олишни;

- АТ “Ҳалқ банк” Питнак филиалига топширилган пулларни ишлов беришда фойдаланилган махсус кимёвий кукун, қалам, А.Сабиловнинг ўнг ва чап қўлларининг кафт қисми ва бармоқларида ҳамда эгнидаги



курткасининг ўнг чўнтаги пастки қисмидан артиб олинган бинт тампон суртмаларини тегишли тартибда йўқ қилишни, намуна сифатида кимёвий ишлов берилган 1.000 сўмни давлат эгалигига ўтказишни;

- фуқаровий даъвогарларга жиноят натижасида етказилган бошқа мулкый зиён ва маънавий зарарлар бўлса, уларни ундириш масаласида тегишлича ҳужжатлар тўплаб, келгусида фуқаролик ишлари бўйича судига даъво қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Сабилов Алижон Садуллаевич (Sabirov Alijon) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Сабилов Алижон Садуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Сабилов Алижон Садуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Сабилов Алижон Садуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Сабилов Алижон Садуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан А.Сабиловнинг 2021 йил 10 февраль кунидан 2021 йил 16 апрель кунигача қамоқда бўлган 66 кунини мазкур ҳукм билан тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун 3 йил 3 ой 24 кун озодликни чеклаш жазоси колдирилсин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатилсин ва жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Сабилов Алижон Садуллаевичга озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида қуйидаги тақиқлар (чеклашлар) қўлланилсин:

сутканинг соат 22-00дан эрталабки 06-00гача бўлган даврида Тупроққалъа тумани, “Мухаббат” маҳалласи, “Туямўйин йўли” кўчаси, 5-уйда жойлашган яшаш жойидан чиқиш.

Сабилов Алижон Садуллаевичга озодликни чеклаш жазосини ўташ



даврида қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин:

Тупроққалъа туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартириш ва Хоразм вилояти ҳудудидан ташқарига чиқиш;

Етказилган зарарни қоплаш мажбурияти.

Тайинланган озодликни чеклаш жазосини ижро этиш Тупроққалъа туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин ва жазони ўташ муддати маҳкум ички ишлар органлари Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Сабилов Алижон Садуллаевичга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан очикка чиқарилсин.

Судланувчи Давлетов Отабек Сотиболдиевич (Davletov Otabek) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Давлетов Отабек Сотиболдиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан О.Давлетовнинг 2021 йил 10 февраль кунидан 2021 йил 11 февраль кунигача қамокда бўлган 2 кунини мазкур ҳукм билан тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 11 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатилсин ва жазони ўташ муддати судланувчи ишга тушган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилишлик Тупроққалъа туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, О.Давлетовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва унинг “гаров” эҳтиёт чораси учун 2021 йил 16 февраль куни Хоразм вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига ўтказилган 5.000.000 сўм гаровга қўювчи Давлетов Максadbек Сотиболдиевичга қайтарилсин.

Судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Ш.Исмоилов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар И.Қосимов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда



фуқаровий даъвогар Ў.Саидов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Х.Сафаров фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Б.Дуримов фойдасига 500 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.253.730 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар А.Бобожонов фойдасига 500 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.253.730 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Д.Давлатов фойдасига 500 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.253.730 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Н.Жумабаева фойдасига 500 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.253.730 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар О.Давлатов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Т.Рўзимов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм;

- судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлардан солидар тартибда фуқаровий даъвогар Х.Қиличов фойдасига 550 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги, сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 5.779.103 сўм;

- судланувчи А.Сабиловдан фуқаровий даъвогар А.Аллаберганов фойдасига 300 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 3.152.238 сўм;

- судланувчи А.Сабиловдан фуқаровий даъвогар М.Султанова фойдасига 300 АҚШ долларини ҳукм чиқариладиган кундаги сўмга нисбатан қийматдан ҳисоблаб, 3.152.238 сўм ундирилсин.

Жиноят натижасида етказилган зиённи қоплаш мақсадида судланувчи А.Сабилов ва О.Давлетовлар томонидан вилоят ИИБнинг АТИБ “Ипотека банк” Хоразм филиали депозит ҳисоб рақамига ўтказилган жами 51.899.101 сўм маблағларини фуқаровий даъвогар О.Давлатов,



Б.Дуримов, А.Бобожонов, Ш.Исмоилов, Д.Давлатов, Т.Рўзимов, И.Қосимов, Ў.Саидов, Х.Қиличов, Н.Жумабаева, Х.Сафаров, А.Аллаберганов ва М.Султановаларга етказилган зарарларни қоплашга қаратилсин.

Хоразм вилоят ИИБнинг АТИБ “Ипотека банк” Хоразм филиали депозит ҳисоб рақамига ўтказилган жами 51.899.101 сўм маблағларини фуқаровий даъвогарларга тақсимлаш билан боғлиқ барча ижро ҳаракатларини амалга ошириш ва қопланмасдан қолган зарарни юқорида кўрсатилган тартибда судланувчилардан ундириш вазифаси Тупроққалъа туман мажбурий ижро бюроси зиммасига юклатилсин.

Фуқаровий даъвогар М.Давлетов ўзига етказилган зарарни ундиришдан воз кечганлиги инобатга олинсин.

Судланувчи А.Сабировдан давлат фойдасига О.Давлетовни ўғли А.Сотиболдиевни ишга кириш мақсадида пора тариқасида олган 500 АҚШ доллари сўмга нисбатан қиймати 4.753.780 сўм ундирилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, А.Сабиров, О.Давлетов ва Х.Сафаровлар ўртасида бўлиб ўтган сўзлашувлар ва тезкор тадбир жараёнлари ёзиб олинган 5 дона “DVD+R” дисклари жиноят ишига қўшиб сақланаётганлиги ва тадбир давомида фойдаланилган 100 АҚШ доллари Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Хоразм вилоят бошқармасига тегишли бўлганлиги сабабли тилхат орқали қайтариб берилганлиги инобатга олинсин.

АТ “Халқ банк” Питнак филиалига топширилган пулларни ишлов беришда фойдаланилган махсус кимёвий кукун, қалам, А.Сабировнинг ўнг ва чап қўлларининг кафт қисми ва бармоқларида ҳамда эгнидаги куртқасининг ўнг чўнтаги пастки қисмидан артиб олинган бинт тампон суртмаларини тегишли тартибда йўқ қилинсин ва намуна сифатида кимёвий ишлов берилган 1.000 сўм давлат эгалигига ўтказилсин.

Фуқаровий даъвогарларга жиноят натижасида етказилган бошқа мулкӣ зиён ва маънавий зарарлар бўлса, уларни ундириш масаласида тегишлича ҳужжатлар тўплаб, келгусида фуқаролик ишлари бўйича судига даъво қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчилар ва фуқаровий даъвогарлар ҳукм нухасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Хоразм вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

имзо

И.Исмаилов

Аслига тўғри

